

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

312 «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2182-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 15 декабрдаги 485/1, 200-КК, 107-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2182, 2011 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 25-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ВАХАБОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 30 май,
2-2016-сон

Меҳнат вазири**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 30 май,
15-Қ/Қ-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 30 май,
41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг
2016 йил 30 майдаги 2-2016, 15-Қ/Қ, 41-сон
қарорига
ИЛОВА

«Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг 2-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «бўйича 2010 йил учун тасдиқланган штатлар жадвалларида кўзда тутилган ходимлар сони доирасида, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сонига риоя қилган ҳолда» деган сўзлар «ҳисобидан» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» деган сўзлар «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларида:

а) I бобнинг 12 — 15-позициялари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

| 12. | Илмий кенгашнинг илмий котиби | мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади | | | | | | | | | | | |
|-----|---------------------------------------|--|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Олий таълим муассасаси кенгаши котиби | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 14. | Юрисконсулт (юрист) | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | |
| 15. | Катта юрисконсулт (юрист) | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |

»;

б) иловада:

2 — 4, 16, 52 ва 54-бандлардаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» деган сўзлар «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандда:

учинчи хатбошидан «стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ОТМда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашларнинг мавжудлиги.»;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Илмий кенгашнинг илмий котиби лавозими фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ташкил этилган ОТМ учун 1 бирлик сонидан киритилади.»;

10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

14-банддан «стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

55-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг» деган сўзлар «Меҳнат вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.